

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛИМОВ БАХОДИР БАТИРОВИЧ**

**СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНС  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08-Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2019 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Алимов Баходир Батирович**

Суғурта компаниялари бухгалтерия баланс кўрсаткичларининг комплекс  
таҳлилини такомиллаштириш..... 3

**Алимов Баходир Батирович**

Совершенствование комплексного анализа показателей бухгалтерского  
баланса страховых компаний ..... 23

**Alimov Bakhodir Batirovich**

Improving the comprehensive analysis of the balance sheet indicators of insurance  
companies .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt515. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шоҳаъзамий Шоҳмансур Шоҳназир ўғли**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Каримов Неъматилла Фатхуллаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**И.Н. Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

**Тошкент-2019**

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон молия тизимида суғурта компаниялари молиявий ҳолатини бухгалтерия баланси асосида комплекс таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш иқтисодий таҳлил фанининг таркибига кирувчи муҳим фундаментал илмий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, дунёнинг ҳар бир мамлакати суғурта бозорида профессионал фаолият кўрсатадиган суғурта ташкилотлари рейтингини аниқлаш ҳамда рақобатбардошлилиги ва молиявий хавфсизлиги даражасига асосли реал баҳо беришда қўлланилмоқда. Чунки глобал молиявий беқарорликлар ва рисклар шароитида миллий ва халқаро суғурта бозорларида суғурта хизматларини кўрсатувчи компаниялар молиявий ҳолатини мунтазам равишда комплекс таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш масалаларининг аниқ, тезкор ва ишончли ечимига эришиш ушбу бозорларда фаолият юритувчи суғурталанувчи, суғурталовчи, аудитор, актуарийлар, рейтинг агентликлари, молиявий аналитиклар, суғурта регуляторлари, инвесторлар, давлат органлари ва халқаро ташкилотлар томонидан асосли ва самарали риск-менежмент, инвестицион ва бошқарув қарорлар қабул қилишда доимо долзарб муаммолардан бўлиб келган.

Халқаро миқёсда суғурта компаниялари молиявий ҳолатини уларнинг бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида комплекс таҳлил қилиш ва комплекс прогнозлаштириш масалаларининг аниқ, тезкор ва ишончли ечимига эришиш бўйича узлуксиз равишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотларда эришилган илмий ютуқларга асосланувчи суғурта компаниялар молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг миллий ва халқаро тизимлари шакллантирилган ҳамда улар узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Лекин, суғурта компаниялар фаолиятини уларнинг бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида комплекс таҳлил қилиш ва комплекс прогнозлаштириш бир-бири билан уйғунликда алоҳида тадқиқ қилинмаган. Зеро “Жаҳон иқтисодиёти ва ундаги халқаро суғурта тизимида содир бўлаётган беқарорликлар ва ўзгаришлар дунё мамлакатларида суғурта компаниялар молиявий ҳолатини мунтазам равишда комплекс таҳлил ва комплекс прогноз қилиб боришни ва бунда янги ёки такомиллаштирилган ёхуд самарали методларини излаш ва асосли танлаб қўллашни талаб қилмоқда”<sup>1</sup>.

Республикамызда “суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”<sup>2</sup> вазифасининг ижроси доирасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида миллий иқтисодиётимиздаги суғурта соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

<sup>1</sup>Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари. Халқаро валюта фондининг бюллетени, 2019 йил январь ([www.imf.org](http://www.imf.org)); Жаҳон инвестициялари тўғрисида доклад. ЮНКТАД, 2018 йил ([www.unctad.org/diae](http://www.unctad.org/diae)).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Соҳада турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотлари рақобат асосида фаолият юритмоқда. Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари мунтазам такомиллаштирилмоқда. Миллий иқтисодиётда суғурта хизматларини кўрсатиш ҳажми, ҳам қиймат, ҳам сифат жиҳатдан йилдан-йилга ортиб бормоқда. Зеро бунда суғурта компаниялари молиявий ҳолатини таҳлил қилишда замонавий қараш ва методларни амалиётга жорий этиш суғурта ташкилотларида бошқарув ҳамда инвестицион қарорларни қабул қилиш борасидаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармони, 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3946-сон, 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сон қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни самарали бажариш ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хориж мамлакатлари бўйича амалга оширилган библиографик таҳлил асосида суғурта компаниялари бухгалтерия балансининг таҳлили ва прогнози масалаларига ҳисса қўшган хорижлик олимлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Д.Хэмптон, R.Higgins, Benninga Simon, Mayes Timothy R. ва Todd M. Shank, Jiambalvo James, Palepu Krishna G. ва Paul M. Healy, Elaine Henry, Steve W. J. Lin ва Ya-wen Yong, Sharmila S., Senthil Kumaran, Allan Timmermann, Бригхем Ю.Ф ва Эрхарт М.<sup>3</sup> Россиядаги суғурта компаниялари молиявий ҳолатини, жумладан тўлов қобиляти ва барқарорлигини бухгалтерия баланси кўрсаткичлари

---

<sup>3</sup> Higgins, Robert C. Analysis for financial management/Robert C. Higgins; with Jennifer Koski and Todd Mitton. - Eleventh edition. - The McGraw-Hill/Irwin series in finance, insurance, and real estate, 2016 - 658 p., Benninga, Simon.Benninga, Simon. Financial Modeling. 4th ed. Cambridge, MA: The MIT Press, 2014. -1144 p., Mayes, Timothy R. and Todd M. Shank. Financial Analysis with Microsoft Excel. 6th ed. Cengage Learning, 2012. -528 p., Jiambalvo, James. Managerial Accounting.5th ed. New York: John Wiley & Sons, 2012. -544 p., Palepu, Krishna G., and Paul M. Healy. Business Analysis and Valuation: Using Financial Statements. 5th ed. Cengage Learning, 2012. -336 p., Elaine Henry, Steve W. J. Lin, and Ya-wen Yong. entitled “The European-U.S. GAAP Gap: Amount, Type, Homogeneity, and Value Relevance of IFRS U.S. GAAP Form 20-F Reconciliations,” September 2008., Sharmila S. An Empirical Study on Balance Sheet Analysis. // Proceedings of the Fifth European Academic Research Conference on Global Business, Economics, Finance and Banking (EAR16Turkey Conference). ISBN: 978-1-943579-44-0. Istanbul-Turkey. 15-17 December, 2016. Paper ID: 1666., Senthil Kumaran. Operations Manager - Finance and Accounting, Invensis Technologies - July 2, 2015.<https://www.invensis.net/blog/finance-and-accounting/types-of-financial-forecasting-methods/>, Allan Timmermann. Forecasting Methods in Finance. UC San Diego, Rady School of Management.March 2, 2018.<https://rady.ucsd.edu/docs/faculty/timmermann/forecasting-methods-in-finance>, Бригхем Ю.Ф., Эрхарт М. Финансовый менеджмент. – М.: Питер, 2009г. - с.170 - 226.

ёрдамида таҳлил қилиш ва прогнозлашни масалалари, хусусан, Щиборщ К., Ринчино Т.Ю., Мозолькина О.А., Репина К.В., Лаптева Н.А., Лаптев Г.Г., Винникова И.С., Куликов С.В., Жилияков Д.И., Зарецкая В.Г., Швецова И.Н., Пашкевич М.А., Петрова В.И., Уварова А.Я., Астафурова И.С., Болдырева М.М., Парго О.В. каби олимларнинг ишларида амалдаги усулларда ўрганилган<sup>4</sup>. Ўзбекистонда суғурта компанияларини молиявий таҳлил қилиш билан боғлиқ баъзи ишларни қуйидаги мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан бажарилган: Ходжаева М.Х., Ширинов С.Э., Очиллов И.К., Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва Суннатов Ю.У.<sup>5</sup> Бу муаллифлар ҳам, Ш. Шоҳаъзамий ва Ю. Суннатовдан ташқари, молиявий таҳлилда мумтоз методларни қўллашган. Ушбу тадқиқот ишлари суғурта компанияларини комплекс молиявий таҳлил ва прогноз қилишга қаратилмаган.

Хориж ва мамлакатимиз олим ҳамда мутахассислари томонидан суғурта компанияларининг бухгалтерия баланси кўрсаткичларини функциялар кўринишидаги<sup>6</sup> Лагранж интерполяция формуласи ёрдамида комплекс таҳлил ва прогноз қилиш методлари ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат мазкур

---

<sup>4</sup> Щиборщ К. Финансовый анализ деятельности страховой организации //Финансовый бизнес.-2009.- № 10., Ринчино Т.Ю. Анализ финансового состояния страховой организации./Дис. ... к.э.н. по специальности 08.00.12 - Санкт-Петербург, 2010. – 124 с., Мозолькина О.А. Особенности финансового анализа деятельности страховых компаний. /Диссертация к.э.н. по специальности 08.00.12, 1997. – 206 с., Репина К.В. Оценка финансового состояния страховой компании по данным МСФО-отчетности.//Журнал “Успехи современного естествознания”, №12, 2014. с. 95-96., Лаптева Н.А., Лаптев Г.Г. Динамический финансовый анализ страховых компаний.//Журнал “Математические методы в экономике”, № 9 (1), 2011. с. 103-109., Винникова И.С. Финансовый анализ страховых организаций: Учебное пособие. – Н. Новгород: ВГИПУ, 2010. – 112 с., Куликов С.В. Финансовый анализ страховых организаций: учебное пособие / С.В. Куликов. О Ростов н/Д.: Феникс, 2009. О 224 с., Жилияков Д.И., Зарецкая В.Г. Финансово-экономический анализ (предприятие, банк, страховая компания): учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2012. – 368 с., Швецова И.Н., Пашкевич М.А. Анализ и управление финансовым состоянием страховой компании.//“Экономика и социум” №2(33) 2017. с. 8 [www.iurp.ru](http://www.iurp.ru)., Петрова В. И. Бухгалтерский учет, анализ и аудит деятельности страховых организаций / В.И. Петрова, А.Ю. Петров, Г.А. Скачко. - М.: Финансы и статистика, 2008. - 400 с., Уварова А.Я. Основы финансово-экономического анализа деятельности страховых компаний: Учеб. пособие. - Орел, Орел ГТУ, 2009. 109 с., Астафурова И.С. Реализация прогнозов финансового состояния предприятия с использованием поэтапного мониторинга.//Экономика и предпринимательство, №9 (часть 1), 2015.-с.785-789., Болдырев М.М., Дячкова А.В., Цыганов А.А. Повышение конкурентоспособности страховых организаций на основе централизованных бизнес-процессов. - Москва, Русайнс, 2015. - С.73 - 100. Электронно-библиотечная система МИУ <http://www.book.ru>., Кибер Ленинка: <https://cyberleninka.ru/article/n/metody-prognozirovaniya-finansovogo-sostoyaniya-strahovyh-organizatsiy-v-usloviyah-neopredelennosti-vneshney-sredy-rynka-strahovyh>, Москалева Е.Г. Анализ устойчивости экономического роста по данным бухгалтерской отчетности страховой компании.//Финансы и кредит, №25, 2016.-с.55-60; Пенюгалова А. В., Аведисян Н. Н. Анализ финансовой устойчивости страховой компании на основе качественных методов. Журнал. Финансовая аналитика проблемы и решения. 36 (78) – 2011. с. 2-10; Антонович Ю.Н., Кизогян Р.А. Финансовая устойчивость страховой организации (на примере ОАО «Страховая компания «Союз»)// “Экономика и социум” №6(19) 2015. с. 329-332. [www.iurp.ru](http://www.iurp.ru).; Резникова Е.В. Оценка финансовой устойчивости страховых организаций.//“Экономика и социум” №1(14) 2015. с. 342-347. [www.iurp.ru](http://www.iurp.ru)

<sup>5</sup>Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари.//и.ф.н. диссертацияси, Ўзбекистон Республикаси БМА, 2011. – 148 б., Ширинов С.Э. Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти.//Молия, №2, 2013.-с.75-78., Очиллов И.К. Особенности и направления финансового анализа в страховых организациях.//Молия, №5-6, 2012.-с.97-103; Очиллов И.К. Суғурта ташкилоти инвестицион фаолиятининг молиявий таҳлилининг такомиллаштириш масалалари.//Молия, №2, 2013.-с.70-74., Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Фирмалар бухгалтерия баланси асосида молиявий хўжалик фаолиятининг таҳлил қилишнинг янги ёндашуви. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 -206.(<http://interfinance.uz/en/arxiv/233-ikki5-2>).

<sup>6</sup>Ўзбекистонлик олим Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва Суннатов Ю.У. томонидан қўлланилган компакт кўринишидаги Лагранж формуласидан ташқари.

йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасида 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-54 “Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** суғурта компаниялари комплекс молиявий таҳлилининг бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласи ёрдамида ифодалашга асосланган комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини илмий асослаб, ишлаб чиқиб жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш бўйича назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

суғурта фаолияти, унинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлиliga оид баъзи дефинициялар, фактологик ва умумий назарий-методологик базисни таҳлилий тизимлаштириш ва хулосалар шакллантириш;

суғурта компанияси бухгалтерия балансини комплекс таҳлил қилишнинг такомиллашган назарий концепциясини илмий асослаб, ишлаб чиқиш;

суғурта компаниялари бухгалтерия баланс кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласи асосида комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш методларини ишлаб чиқиш;

суғурта компаниялари бухгалтерия баланси кўрсаткичлари бўйича молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикатори ва уларнинг меъёрларини аниқлаш;

суғурта компанияларида бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш методларини амалий апробациядан ўтказиш ва уларнинг натижалари асосида илмий хулосалар, назарий таклифлар ва амалий тавсиялар шакллантириш;

суғурта компанияларининг комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз натижаларини молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторини ифодаловчи кўрсаткичлари меъёрлари билан солиштириш;

суғурта компаниялари фаолиятида индикатив меъёрларни ҳисобга олиб комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш методларини қўллашга асосланган алгоритмик дастурлаш ҳамда ташкилотларнинг молиявий аналитик хизматларининг ташкилий механизми билан боғлиқ назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини қўллаш асосида инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш бўйича назарий таклифлар ва

амалий тавсиялар шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган суғурта компаниялари ҳамда уларнинг бухгалтерия баланси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** суғурта компаниялари бухгалтерия баланс кўрсаткичларининг комплекс таҳлили ва комплекс прогнози, уларга оид назарий ва методологик базис ҳамда бундай таҳлил ва прогнозлаш жараёнларида юзага келувчи муносабатлар ва сабаб-оқибатий алоқалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли ёндашув, кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, математик формализация, эмпирик тест синов, комплекс таҳлил ва комплекс прогнозлаш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суғурта компаниялари бухгалтерия балансининг актив ва пассив бўлимлари таркибини ташкил этувчи  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $x$ ,  $d$  қисмларнинг<sup>7</sup> ўзаро боғлиқлигини мувозанатлашган математик тенглик кўринишдаги, инвесторлар ҳамда менежмент манфаатларига қаратилган модели ишлаб чиқилган;

суғурта компаниялари молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторини уларнинг бухгалтерия баланси бўйича ифодаловчи кўрсаткичлари орқали ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган ва бу кўрсаткичларнинг меъёрий миқдорлари аниқланган;

суғурта компанияларининг инвесторлари ва менежменти манфаатлари нуқтаи назаридан функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласи асосида янги комплекс ретропрогноз таҳлил методи ҳамда унинг назарий-методологик базиси ишлаб чиқилган;

функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласини қўллашга асосланган янги комплекс прогноз методи таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

суғурта компаниялари бухгалтерия баланси кўрсаткичлари асосида улар молиявий ҳолатини комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш бўйича компьютер дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

ушбу таъминотни ҳамда молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикатори таркибига кирувчи кўрсаткичларнинг меъёрларини суғурта компанияси амалиётида қўлловчи молиявий аналитик хизмат бўлинмасининг ташкилий механизми ишлаб чиқилди;

суғурта компаниялари фаолиятида комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларидан фойдаланилган ҳолда самарали инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

суғурта компанияларининг молиявий ҳолати рейтингини комплекс

---

<sup>7</sup> Бунда:  $a$  – активнинг биринчи қисмидаги узоқ муддатли активлар;  $b$  – активнинг иккинчи қисмидаги жорий активлар;  $x$  – пассивнинг биринчи қисмидаги ўз маблағлари манбалари (ёхуд хусусий капитал);  $c$  – пассивнинг иккинчи қисмидаги суғурта захиралари;  $d$  – пассивнинг учинчи қисмидаги мажбуриятлар.



ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини қўллашга асосланган баҳолашнинг амалий услуби берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар ва моделлар, унинг доирасида фойдаланилган назарий қараш ва ёндашувлар расмий манбалардан олингани, республикада фаолият юритаётган суғурта компаниялари аниқ маълумотларига асослангани, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий-методологик базис, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан суғурта компаниялари молиявий ҳолати комплекс таҳлилини бухгалтерия баланс кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласи асосида комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини илмий асослаб жорий қилиш йўли билан такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар суғурта компаниялар бухгалтерия баланс кўрсаткичларини комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш асосида аниқ, содда, тезкор ва ишончли инвестицион ва бошқарув қарорлари қабул қилишда, суғурта компаниялари молиявий ҳолатини бир-бири билан қиёслаш, молиявий ҳолат рейтингини баҳолаш, корпоратив бошқарув тизимида инвесторлар ва менежмент манфаатларини мутаносиблаштиришга эришиш, комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини амалиётда қўлланилишини таъминловчи аналитик хизмат бўлинмасининг горизонтал-функционал бошқарувига асосланган моделига ўтишда, келгусида яратиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғурта компаниялари бухгалтерия баланс кўрсаткичларининг комплекс таҳлилини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

суғурта компаниялари молиявий ҳолатини баҳолашга оид бухгалтерия балансининг математик моделлари ҳамда уларнинг назарий-методологик базисига оид таклифлари “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ва “Алском” акциядорлик жамияти томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти, ички аудит бўлими, молия департаментлари фаолиятини самарали ташкил этишда фойдаланилган. (“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 майдаги 18-12/2927-сон ва “Алском” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 майдаги 13-786-сон маълумотномалари). Ушбу таклифлар инвесторлар, менежерлар ва бошқа ахборотдан фойдаланувчилар томонидан мақбул қарорлар қабул қилиш имкониятларини оширишга хизмат

қилган;

суғурта компанияларининг бухгалтерия баланси кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторларини ҳисоблаб топиш методикалари ҳамда уларнинг меъёрий миқдорларини аниқлаш бўйича таклифлари “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ва “Алском” акциядорлик жамияти томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти, ички аудит бўлими, акциялар билан корпоратив муносабатлар ва инвестиция департаментларининг ички иш юритиш ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 майдаги 18-12/2927-сон ва “Алском” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 майдаги 13-786-сон маълумотномалари). Натижа эса, суғурта компаниялари бухгалтерия баланси кўрсаткичлари асосида аниқланган молиявий ҳолат кўрсаткичларини молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторлари меъёрларига мос келиш ҳолатини кўрсатиб берган;

функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласи асосида янги комплекс ретропрогноз таҳлил методи бўйича таклифи “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ва “Алском” акциядорлик жамиятида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилган. (“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 майдаги 18-12/2927-сон ва “Алском” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 майдаги 13-786-сон маълумотномалари). Ушбу метод асосида суғурта компаниясининг молиявий ҳолати бўйича фойдаланилмаган ёки фойдаланилган имкониятлар топилган ва улар миқдор жиҳатдан аниқланган;

функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласини қўллашга асосланган янги комплекс прогноз методи унинг назарий-методологик базиси бўйича таклифи “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ва “Алском” акциядорлик жамиятининг истиқболли бизнес режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 майдаги 18-12/2927-сон ва “Алском” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 майдаги 13-786-сон маълумотномалари). Мазкур метод суғурта компаниялари бухгалтерия баланси кўрсаткичлари асосида келгуси даврда эришилиши мумкин бўлган бухгалтерия баланси кўрсаткичларини аниқланиш имкониятини берган. Бу билан инвесторлар, менежерлар ва бошқа маъсул шахсларни тегишли қарорлар қабул қилишига хизмат қилишга эришилган.

бухгалтерия баланси кўрсаткичлари асосида молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторларининг меъёрий миқдорларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилишни амалга оширадиган компьютер дастурлари “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ва “Алском” акциядорлик жамияти томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти, ички аудит бўлими, акциялар билан корпоратив муносабатлар ва инвестиция департаменти, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш департаментларининг иш юритиш

амалиётида фойдаланилган. (“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 17 майдаги 18-12/2927-сон ва “Алском” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 15 майдаги 13-786-сон маълумотномалари). Ишлаб чиқилган электрон дастурлар суғурта компаниялари фаолиятида бухгалтерия баланси кўрсаткичларини комплекс таҳлили ва баҳолашни тез, тўғри ва аниқ амалга оширади. Дастурда маълумотлар асосида блокчейн шакллантириш имконияти мавжуд.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур илмий тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 9 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, 8 та муаллифлик гувоҳномаси, миллий ОАК эътироф этган журналларда 8 та, жумладан нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 15 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг қуйидаги жиҳатлари қисқача очиб берилган: мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги шакллантирилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган; илмий янгилик характериға эға натижалар ва уларнинг амалий аҳамияти келтирилган; тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги кўрсатилган; диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Суғурта компанияси бухгалтерия баланси таҳлили ва кўрсаткичлари прогнозининг назарий ва методологик базиси”** деб номланиб, унда, энг аввало суғурта фаолияти, унинг бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва прогнозлаш билан боғлиқ баъзи дефинициялар, мавжуд умумий назарий ва методологик асосларининг мазмун-моҳияти халқаро ва миллий фактологик базисға таянган ҳолда библиографик таҳлилий тизимлаштирилган. Бунда библиографик таҳлилни бир-бирдан сабаб-оқибатий келиб чиқувчи қисмларға ажратиб, уларни қуйидаги тадқиқот логикаси<sup>8</sup> доирасида умумлаштириб кетма-кет амалга ошириш зарурлиги асослаб берилди, яъни: биринчи қисмда суғурта соҳасиға оид алоҳида дефинициялар, унинг ривожланиш тенденцияларини акс этувчи

<sup>8</sup>Тадқиқот логикасининг мақсади – суғурта компанияси бухгалтерия балансининг комплекс таҳлили ва прогнози билан боғлиқ билимларни гармонизация қилишға хизмат қилувчи тизимли ёндашувни қўлашға асосланган ихтисослашган янги назарий базис зарурлигини илмий асослаб бериш бўлди.

фактологик базис ва муаммолар ўрганилиб тизимлаштирилди; иккинчи қисмда биринчи қисмда олинган билимлар тизими контекстида суғурта соҳасига хос бухгалтерия баланси, унинг кўрсаткичлари ҳамда уларга тегишли алоҳида дефиниция, қараш ва қоидалар, уларнинг хусусиятлари ўрганиб тизимлаштирилди; учинчи қисмда биринчи ва иккинчи қисмларда олинган билимлар тизими контекстида суғурта компанияси бухгалтерия балансини комплекс таҳлил қилиш ва прогнозлаш билан боғлиқ алоҳида дефинициялар ва мавжуд методологик базис ҳамда бундай таҳлил ва прогнозлашнинг ҳозирги замон ҳолати ва ундан келиб чиқувчи масалалар тизимлаштирилиб такомиллашган янги назарий ва методологик базис Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси контекстида шакллантирилди.

Эришилган тадқиқот логикаси мақсадининг мантиқий давоми сифатида тизимли ёндашувни қўлловчи ижтимоий-иқтисодий системология (ИИС) қоидаларига асосланган замонавий мулк тўғрисидаги мультифан (ЗММ)<sup>9</sup> ва молия-кредит соҳаси системологиясини (МКСС)<sup>10</sup> суғурта бозорини, жумладан суғурта компанияси бухгалтерия балансини комплекс таҳлили ва комплекс прогнозини бухгалтерия, менежмент, аудит билан боғлиқликда турли ички ва ташқи омиллар таъсирида амалга оширилиши жараёнини, тизимли ифодалаб ўрганиш учун назарий-методологик базис сифатида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги аниқ тўртта аргумент билан асослаб берилди. Бунда ЗММ ва МКСС қоидаларига асосланиб суғурта компания молиявий ҳолатини бухгалтерия баланс кўрсаткичлари асосида комплекс таҳлил қилиш ва комплекс прогнозлашнинг ихтисослашган терминологик апарати, назарий ва методологик базиси ишлаб чиқилди. Ушбу контекстда суғурта компанияси бухгалтерия балансини ташкил қилувчи актив ва пассив бўлимлар таркибига кирадиган  $a, b, c, x, d$  қисмларнинг<sup>11</sup> ўзаро боғлиқлиги мувозанатлашган математик кўринишдаги  $a+b=x+c+d$  тенглик ёрдамида ифодаланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ундан келиб чиқувчи иккита моделнинг маънога эга эканлиги асослаб берилди, яъни: 1)  $a+b-(c+d)=x$  кўринишидаги тенглик – суғурта компания устав фондига улуш қўшган инвесторлар манфаатининг қондирилишига қаратилган модель; 2)  $a+b-(x+d)=c$  кўринишидаги тенглик – суғурта компания менежментининг манфаати қондирилишига қаратилган модель. Бунда суғурта компания бухгалтерия балансини ташкил қилувчи актив ва пассив бўлимлари таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини математик ифодаловчи  $a+b=x+c+d$  тенглик асосида ундаги  $a, b, c, d$  қисмларини  $x$  қисмга трансформацияланиши сифати ҳамда ушбу тенглик асосида ундаги  $a, b, x, d$  қисмларини  $c$  қисмга


<sup>9</sup>Шоҳаъзамий Ш.Ш. Замонавий мулк, унинг бозорлари тизими ва мультифани. Монография. -Т.: Iqtisod-moliya, 2016.-268 б.; Shoha'zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik.-Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 492 б.

<sup>10</sup>Шоҳаъзамий Ш.Ш. О необходимости финансово-кредитной системологии. // Тошкент молия институтининг “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №1, 2017 йил феврал.-8 б.

<sup>11</sup>Бунда:  $a$  – активнинг биринчи қисмидаги узоқ муддатли активлар;  $b$  – активнинг иккинчи қисмидаги жорий активлар;  $x$  – пассивнинг биринчи қисмидаги ўз маблағлари манбалари;  $c$  – пассивнинг иккинчи қисмидаги суғурта захиралари;  $d$  – пассивнинг учинчи қисмидаги мажбуриятлар.

трансформацияланиши сифати улар активининг биринчи ва иккинчи қисмлари, яъни  $a$ ,  $b$ ,  $d$  сифатига боғлиқ. Демак, ҳар икки моделнинг сифати  $a=x+c+d-b$ ,  $b=x+c+d-a$ , жумладан  $d=a+b-(x+c)$  моделлар сифатига боғлиқ.

Айтилган қоидалар асосида суғурта компанияси инвесторлари, менежменти ва бухгалтериясининг фаолият сифатини суғурта компания бухгалтерия баланси қисмлари ( $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $x$ ,  $d$ ) ёрдамида таҳлилий аниқлаш мумкинлиги ушбу қисмлар таркибига кирувчи элементларни ўзаро мутаносиблаштириш, оптималлаштириш, суғурта компания бухгалтерия баланси сифатига таҳлилий баҳо бериш ва прогнозлаштириш мумкинлигини айтиш мумкин. Бу эса суғурта компания бухгалтерия балансини комплекс таҳлил ва прогноз қилиш жараёнларини математик методлар ёрдамида формаллаштириш мумкинлигини билдиради. Демак, суғурта компания инвесторлари ва менежменти манфаатлари нуқтаи назаридан функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласини қўллашга асосланган комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методлари мақсадга мувофиқ деган гипотеза маънога эга. Ушбу гипотеза контекстида Лагранж формуласини молиявий таҳлил ва прогнозлаш масалалари нуқтаи назаридан суғурта компания бухгалтерия баланси актив ва пассив бўлимлари 5 та қисмининг бир-бири билан боғлиқлигини 1-расмдаги схематик модель кўринишида ифодаланди.



**1-расм. Суғурта компания бухгалтерия баланси бўлимлари қисмлари ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ифодаловчи схематик модель<sup>12</sup>**

Ушбу 1-расмдаги схематик моделни ҳисобга олиб, функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласига асосланган комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методлари ва уларнинг юқорида келтирилган иккита моделга мос келувчи иккита математик-алгоритмик жараёнга асосланган тури асосланиб таклиф этилди. Уларни ҳар бир турининг мазмун-моҳияти очиб берилди ва молиявий таҳлил ва прогнозлашнинг математик-алгоритмик жараёнлари батафсил берилди.

Бунда қуйидаги кўпхад шаклидаги формула функциялар кўринишидаги Лагранжнинг интерполяция формуласи деб аталиб, ушбу формулага 1-

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан суғурта компания бухгалтерия баланс учун ишлаб чиқилган.

расмдаги схематик модель асосида иқтисодий мазмун берилди<sup>13</sup>:

$$P(x) = \frac{(x-x_1)(x-x_2)\dots(x-x_n)}{(x_0-x_1)(x_0-x_2)\dots(x_0-x_n)}y_0 + \frac{(x-x_0)(x-x_2)\dots(x-x_n)}{(x_1-x_0)(x_1-x_2)\dots(x_1-x_n)}y_1 + \dots + \frac{(x-x_0)(x-x_1)\dots(x-x_{n-1})}{(x_n-x_0)(x_n-x_1)\dots(x_n-x_{n-1})}y_n$$

Суғурта компаниялари бухгалтерия баланс кўрсаткичлари бўйича молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторлари ва уларнинг меъёрлари аниқлаб берилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Суғурта компаниялари бухгалтерия баланси кўрсаткичлари бўйича молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторлари ва уларнинг меъёрлари<sup>14</sup>**

Индикаторларнинг тартиб рақамлари			
1	2	3	4
$1,1 \leq \frac{a+b}{b} \leq 2$	$0,5 \leq \frac{b}{a+b} \leq 0,91$	$0,09 \leq \frac{a}{a+b} \leq 0,5$	$2 \leq \frac{a+b}{a} \leq 11$
Индикаторларнинг тартиб рақамлари			
5 <sup>48</sup>	6	7	8
$\frac{c}{x+c+d} \geq 0,5$	$\frac{x+c+d}{c} \leq 2$	$(x+c+d) - c \leq c$	$\frac{x}{x+c+d} \geq 0,2$
Индикаторларнинг тартиб рақамлари			
9	10	11	12
$\frac{x+c+d}{x} \leq 5$	$c+d \leq 4 * x$	$a+b \leq 5 * x$	$\frac{c}{x} \leq 3,33$
Индикаторларнинг тартиб рақамлари			
13	14	15	16
$\frac{x}{c} \geq 0,3$	$\frac{x}{d} > 1$	$\frac{d}{c} \leq \frac{1}{2}$	$\frac{c}{d} \geq 2$
Индикаторларнинг тартиб рақамлари			
17	18	19	20
$\frac{c}{a} \leq 6,66$	$\frac{a}{c} \leq 0,15$	$a+b \leq 2 * c$	-

Мазкур 1-жадвалда берилган индикаторларнинг меъёрлари билан комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз натижаларини солиштириш асосида суғурта компаниянинг молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик даражаларига баҳо бериш, суғурта компанияни инвестицион-инновацион ривожлантириш ёки самарали бошқариш ёхуд давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ зарурий қарорлар қабул қилиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “Суғурта компаниялари бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлили ва комплекс прогноз қилиш, уларнинг молиявий ҳолатларини қиёсий солиштириш” деб номланиб, унда суғурта компаниялари бухгалтерия балансини функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласига асосланган комплекс

<sup>13</sup>Раҳимов Д.Ф. Олий математика. – Дарслик. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006, - 464 б. (216-217 бетлар.)

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

прогноз ва комплекс ретропрогноз методларини иккита модель (яъни  $a+b-(c+d)=x$  ва  $a+b-(x+d)=c$  моделлар) нуқтаи назаридан “Ўзагросуғурта” АЖ, “Gross Insurance” МЧЖ, “Алском” АЖ, “Кафил суғурта” МЧЖ, “Инго-Узбекистан” АЖ бухгалтерия баланс ҳисоботларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлили, прогнози ҳамда улар натижаларини молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторларининг меъёрлари билан солиштириш ҳамда уларнинг молиявий ҳолатларини қиёсий солиштириш амалга оширилди. Бунда 2.1-2.3-параграфлар мантиқий якуни сифатида уларда кўрилган суғурта компаниялари бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш орқали комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогнозлаштириш методларини амалий апробациядан ўтказиш ва бундай апробация натижалари ёрдамида кўрилган суғурта компанияларнинг молиявий ҳолатини қиёсий солиштириш ва молиявий ҳолати рейтингини баҳолаш мумкинлигини куйидаги ўтказилган қиёсий солиштира таҳлил негизида асослаб берилди. Бундай таҳлилни ҳар бир метод натижалари доирасида алоҳида ўтказилиши асосида кўрилган суғурта компанияларининг бухгалтерия баланс кўрсаткичлари ёрдамида ҳисоблаб топилган молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлик индикаторларининг меъёр талабларига мос келиши ва бу индикатор натижаларини бир-бирига мос келишига кўра, уларнинг молиявий ҳолати рейтингини аниқлашга эришилди. Умуман олганда, комплекс ретропрогноз таҳлил методи ёрдамида олинган натижалар асосида аниқланган рейтинг кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Комплекс ретропрогноз таҳлил методи бўйича суғурта компанияларини қиёсий солиштиришнинг ҳулосавий натижалари<sup>15</sup>

Суғурта компаниялари	Инвестор	Менежмент	Реал баланс	Мос келиш даражаси	Эгаллаган ўрни
Узагросуғурта	13	11	1	0	3
Алском	0	0	0	10	1
Gross Insurance	6	8	1	6	2
Кафил	9	5	7	3	4

2-жадвал маълумотларига кўра, “Alskom” АЖ суғурта компаниясига биринчи ўрин, “Gross Insurance” МЧЖ суғурта компаниясига иккинчи ўрин, “Ўзагросуғурта” АЖ суғурта компаниясига учинчи ўрин ва “Кафил суғурта” МЧЖ суғурта компаниясига тўртинчи ўрин берилди.

Комплекс прогноз методи ёрдамида олинган натижалар асосида аниқланган рейтинг кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган бўлиб, унга кўра, “Alskom” АЖ суғурта компаниясига биринчи ўрин, “Ўзагросуғурта” АЖ суғурта компаниясига иккинчи ўрин, “Gross Insurance” МЧЖ суғурта

<sup>15</sup> “Ўзагросуғурта” АЖ, “Алском” АЖ, “Gross Insurance” МЧЖ, “Кафил суғурта” МЧЖ, “Инго-Узбекистан” АЖ, суғурта компанияларининг веб-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

компаниясига учинчи ўрин ва “Кафил суғурта” МЧЖ суғурта компаниясига тўртинчи ўрин берилди.

Шундай қилиб, юқорида берилган апробацион таҳлиллар асосида суғурта компанияларни бир-бири билан қиёсий солиштириб, уларга молиявий ҳолат бўйича рейтингини аниқлаш мумкин, деган хулоса ўринли.

### 3-жадвал

#### Комплекс прогноз методи бўйича суғурта компанияларини қиёсий солиштиришнинг хулосавий натижалари<sup>16</sup>

Суғурта компаниялари	Инвестор	Менежмент	Реал баланс	Мос келиш даражаси	Эгаллаган ўрни
Узагросуғурта	1	3	1	7	2
Алском	3	1	1	6	1
Gross Insurance	8	3	1	0	3
Кафил	3	4	6	7	4

Тадқиқотнинг 2.1-2.3-параграфларида Ўзбекистондаги баъзи суғурта компаниялари<sup>17</sup> бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш орқали комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогнозлаштириш методларини амалий апробациядан ўтказиш ва бундай апробация натижалари ёрдамида кўрилган суғурта компанияларнинг молиявий ҳолатини қиёсий солиштириш ва молиявий ҳолати рейтингини баҳолаш ҳамда суғурта компаниялари корпоратив бошқарувида инвесторлар ва менежмент манфаатларининг балансига эришиш мумкинлиги аниқланиб, таҳлилий асослаб берилди.

Диссертациянинг учинчи боби “Суғурта компаниялари фаолиятида индикатив меъёрларни ҳисобга олиб комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз қилиш методларини қўллаш механизмлари” деб номланиб, унда комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини: суғурта компаниялари амалиётида қўллашни таъминловчи молиявий аналитик хизмат бўлинмасининг ташкилий механизми; алгоритмик-дастурий реализациясининг механизми; қўллаш асосида инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми каби учта янги ишланма берилган.

Биринчи ишланманинг зарурати Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари ташкилий тузилмасининг таҳлилидан уларда алоҳида фаолият юритувчи молиявий аналитик хизмат бўлинмаси ҳанузгача мавжуд эмаслиги, мос равишда, улар таркибида комплекс таҳлил, прогнозлаш, стратегик молиявий режалаштириш ва мониторинг масалалари ечимига ихтисослашган алоҳида молиявий аналитик хизмат бўлинмаси (МАХБ) очилиши ва унинг фаолияти ташкилий механизмини ишлаб чиқишнинг

<sup>16</sup> “Ўзагросуғурта” АЖ, “Алском” АЖ, “Gross Insurance” МЧЖ, “Кафил суғурта” МЧЖ, “Инго-Ўзбекистан” АЖ, суғурта компанияларининг веб-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>17</sup> “Ўзагросуғурта” АЖ, “Алском” АЖ, “Gross Insurance” МЧЖ, “Кафил суғурта” МЧЖ, “Инго-Ўзбекистан” АЖ.



долзарблиги билан белгиланади. Чунки ҳар қандай суғурта компания рақобатбардошлилиги ва фаолияти самарадорлиги кўпроқ унинг аналитик хизмати қай даражада сифатли ташкил этилишига боғлиқ.

МАХБ ўз фаолиятида асосан корпоратив бошқарувнинг ташкилий, бошқариш, регулятив (ички ва ташқи меъёрий-ҳуқуқий) ва иқтисодий (жумладан молиявий) механизмларига таянади. Унинг ташкилий механизми – бу суғурта компанияларни аналитик хизмат бўлинмаси фаолиятини бошқариш жараёнида ўзаро боғлиқ бўлган мутахассислар ва улар билан раҳбар ўртасидаги муносабатларни тартибли ривожлантиришга қаратилган таъсир этишининг ташкилий воситалари бирлиги, ташкилий механизмни бўлинма раҳбари ва мутахассислари томонидан аниқ бажариладиган функцияларни гуруҳлаштириш ва уларни бўлинма бошқарув тузилмасига кўра ўзаро боғлаш ҳамда ҳар бир штат бирлигидаги молиявий аналитикларнинг бошқарув поғонасидаги ўрни ва вазифасига кўра ўзаро хизмат муносабатларини белгилаш усули. Бунда МАХБ ташкилий механизми унинг раҳбари учун бўлинмани бошқариш воситаси ҳамда бўлинмани суғурта компаниянинг раҳбарияти ва бошқа бўлинмалари билан муносабатини, молиявий аналитик учун эса раҳбар кўлотида самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Ўзбекистонда суғурта компания фаолиятига ихтисослашган молиявий аналитиклар сони жуда кам бўлгани ва миллий суғурта бозорининг ҳажми жуда кичик бўлганлиги муносабати билан МАХБ фаолиятида горизонтал-функционал бошқарув модели ёки индивидуал молиявий аналитиклар хизматидан фойдаланиш таклиф қилинади. Бунда молиявий аналитиклар корпоратив бошқарувнинг асосий органлари (Кузатув кенгаши, Бошқарув, Тафтиш комиссияси) раҳбарларига хизмат кўрсатиши контекстида МАХБ молиявий аналитик мутахассиси ва раҳбари лавозимлари учун мўлжалланган инструкциянинг лойиҳаси берилди.


Иккинчи ишланманинг зарурати МАХБ фаолиятида комплекс ретропрогноз молиявий таҳлил ва комплекс прогноз жараёнларининг тезлиги, самарадорлиги ва кам харажатлилиқ даражаларини компьютер дастури воситасида кескин пасайтириш лозимлиги билан белгиланади.

Комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методлари компьютердаги реализацияси алгоритмик дастурини интеллектуал мулк объекти (ИМО) сифатида методологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларининг мазмун-моҳияти ва таркиби очиқ берилди. Буларнинг ичида тадқиқот мавзумиз контекстида, асосан, методологик механизмига катта эътибор қаратилди. Ваҳоланки, дастурнинг методологик механизми ўз ичига II бобда берилган методологик базиси бўлмиш комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методлари, уларнинг компьютердаги реализациясини таъминловчи математик-алгоритмик жараёнларни ва унга мос ахборот ва дастурий таъминот турларини олади. Бунда бу методларнинг математик-алгоритмик жараёнига кирувчи босқичларнинг компьютердаги реализациясини намоён қилувчи дастурнинг компьютер мониторидаги

асосий ойналарининг кўринишлари намоиш этилди.

Умуман олганда, алгоритмик дастурнинг амалий самараси суғурта компаниялари бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлили ва комплекс прогнози методлари, улар билан бирга қўлланилган моделлар ва индикаторлар меъёрларининг алгоритмик реализациясини таъминловчи компьютер дастурларнинг иқтисодий самараси дастурга талабгор ҳар бир суғурта компаниянинг шунга ўхшаш инструментлар билан қуролланганлигидан ва унинг эҳтиёжидан келиб чиқиб баҳоланади.

Учинчи ишланманинг зарурати суғурта компаниялари фаолиятида бошқарув ва инвестицион қарорлар қабул қилиш жараёнларни турли омиллар таъсирида кечиши, бу жараёнларга таҳлил ва прогноз натижалари энг кучли таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Зеро бошқарув ва инвестициялашда энг муҳими – бу қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган таҳлил, прогнозлаш, режалаштириш, ташкиллаштириш, асослаш ва назорат қилиш функцияларини амалга ошириш жараёнидир. Ушбу контекстда комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини қўллаш йўли билан олинган натижаларга таянган ҳолда бошқариш ва инвестицион қарорлар қабул қилишнинг мазмунини 2-расмда кўрсатилган тузилмавий-функционал модель ёрдамида яққол кўриш мумкин.<sup>18</sup>



**2-расм. Комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини қўллаш асосида молиявий бошқариш ва инвестицион қарорлар қабул қилиш механизмининг тузилмавий модели<sup>19</sup>**

Инвестор молиявий ва бошқарув ҳисоблари бўйича ҳисоботлардан фойдаланиб компанияни бошқариш бўйича тегишли қарорлар қабул қилади.

Келтирилган 2-расмдаги тузилмавий моделнинг эквиваленти бўлмиш 3-


<sup>18</sup> Яъни ушбу 2-расмдаги моделга кўра, бухгалтерия ва аудитор бухгалтерия баланс ва молиявий ҳисоботлар шаклланишида бевосита иштирок этади. Инвестор ва менежмент бунда билвосита иштирок этади. Менежмент эса бухгалтерия балансга таянган ҳолда бошқарув ҳисобини шакллантириб актив ва пасивни комплекс бошқаради.

<sup>19</sup> Бунда 2-расмда: АХК – актив ҳисобини шакллантирувчи кўрсаткичлар; ПХК – пасив ҳисобини шакллантирувчи кўрсаткичлар; ТО – ташқи омиллар; ЎАХ – ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланган активлар ҳисобининг натижавий ҳолати; ЎПХ – ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланган пасивлар ҳисобининг натижавий ҳолати; БХ – бухгалтерия баланс ҳисоботи; БМА – бухгалтер ва бошқарув қарорини қабул қилиш мақсадида таҳлилни амалга оширувчи молиявий менежер ва аудитор; ИО – БМА қарори билан шаклланиб таъсир этувчи ички омиллар.

расмда берилган модель маънога эга.

Мазкур 3-расм бўйича суғурта компания бухгалтерия балансининг  $a$ ,  $b$ ,  $x$ ,  $c$ ,  $d$  қисмлари бухгалтерия томонидан ташқи омилар (ТО) ва ички омилар (ИО) таъсирини ҳисоба олиб тузилган баланс ҳисоботи асосида таҳлил ва прогнозни амалга оширувчи молиявий менежер томонидан ИО ва ТО таъсирида (улар ибобий ёки салбий бўлиши мумкин) аудитор хулосасига таянган ҳолда суғурта компанияда бошқарилади (моделда менежер ва аудитор МА сифатида белгиланган). Бунда МА бухгалтерия билан биргаликда вақт бирлиги ичида ўзгарувчан ТО ва ИО таъсирида суғурта компания бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзгаришига қараб зарурий риск-менежмент, бошқариш ва инвестицион қарорлар қабул қилиш механизми функциясини бажаради.

Моҳиятига кўра, 2-расм ва 3-расм сифатида кўрсатилги моделлар омилар таъсирида ўзини-ўзи регулятив ривожлантирувчан мураккаб динамик тизим деб ҳисобланиб, унда МА қарорлари комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз масалалари билан узвий боғлиқликда бўлади.



**3-расм. Комплекс ретропрогноз таҳлил ва комплекс прогноз методларини қўллаш асосида таҳлил ва прогноз натижаларига эга бўлиш ва суғурта компания бошқарилиши жараёнларини ҳамда уларда иштирок этувчиларнинг боғлиқликдаги фаолиятини ифодаловчи тузилмавий модель<sup>20</sup>**

